

**O‘ZBEKISTON RESPUBLIKASI OLIY VA O‘RTA MAXSUS
TA‘LIM VAZIRLIGI**

URGANCH DAVLAT UNIVERSITETI

ILM SARCHASHMALARI

Jurnal O‘zbekiston Respublikasi Vazirlar Mahkamasi huzuridagi Oliy attestatsiya komissiyasining FILOLOGIYA, FALSAFA, FIZIKA-MATEMATIKA hamda PEDAGOGIKA fanlari bo‘yicha doktorlik dissertatsiyalari asosiy ilmiy natijalarini chop etish tavsiya etilgan ilmiy nashrdir.

1.2021

**научно-теоритический методический журнал
Издаётся с 2001 года**

Urganch – 2021

Навоий диндан фойдаланиб, қаллоблик, бузукчилик билан шуғулланувчи дин арбобларини каттиқ танқид қилади: «Минҳож ун-нажот» қасидаси 138 байтдан иборат. У Хоқоний ва Анварий қасидаларига жавобан ёзилгандир. Қасида бошдан-оёқ диний руҳда. Ундаги айрим байтларда Куръонни эмас, кўпроқ айш-ишратни ўйловчи дин аҳллари танқид қилинади.

«Насим ул-хулд» қасидаси 129 байтдан иборат. У Хоқоний қасидаларига жавобан ёзилгандир. Бу асар ҳам, «Минҳож ун-нажот» қасидасидаги каби худо мавзуга бағишланган.

Навоий ёлгондан юз марталаб тоат қилувчи ҳомийлар, ҳийлагар шайхлар, гафлатда қолган воизларнинг пуч насихат ва пандларига қулоқ солмасликка чақиради:

*Туро сад баҳри тоат гар бувад, лекин риё оруд,
Чи зўйи баҳри тоат, беҳ, ки зўйи баҳри исъёнаш.
Ба тарки зарқ шайхи ҳийлагарро нест жуз нуқсон,
Чи ёбад суд бозоре, ки шуд бар баста дўконаш.
Ба панди воизи гофил маяфкан зўшу з-он бигузар,
Ки дар хобаст аз гафлат ҳамон афсона ҳазъёнаш.*

Таржимаси:

*Сен юз марталаб тоат қилсанг ҳам, тоатларинг риё олуddир.
Улар тоат эмас, балки улар исъёндур.
Ҳийлагар шайх ёлгон сўзлашни сира тарк қилмайди,
Дўконлари ётиқ бозор қандай фойда кўрсин?
Гофил воиз пандига қулоқ солма ва ундан йироқ бўл,
Ки у гафлат уйқисидадир, сўзлари афсона, васвасадир.*

Қасиданинг охирида мамлакатни дарвишлардек идора қилиш фикри уқдирилади. Султон Хусайн Бойқаро дарвишваш, «фақр-ойин» (ўзини фақир тутган) шоҳ сифатида мадҳ этилади:

*Шаҳи дарвишваш – султони фақр-ойин, аз эзид
Фарози тахти шоҳи фақру дарвишист дар шоҳаш.*

Таржимаси:

*У дарвишваш, фақр-ойин султондир, ки худо
У фақр шоҳ тахтини юксақларга кўтармиш ва дарвишлик
унинг шонидадир.*

Навоий қасидада Хусрав Дехлавий, Абдурахмон Жомий, Хоқонийларни фахр билан эсга олади, улар бошлаган йўлни давом эттирганини қайд қилади.

Адиб ушбу қасидаларида динни адолат байроғи сифатида тарғиб ва ташвиқ қилади. Адолатсизликка қарши исён кўтаради. Қасидаларда риёкор дин арбоблари танқиди Умар Хайём рубоийларидаги исёнкор танқид руҳи билан жуда ҳамоҳангдир.

Навоий «Ситгайи зарурия» тўпламига кирган қасидаларда Куръонга, Муҳаммад пайгамбарга нисбат берилган, шариат қонун-қоидаларига амал қилишга, одил, фақирона ҳаёт кечиришга чақиради. У фақирона ҳаётни («фақру фано», «Насиб соз тариқи фано, ки айни бақост») адолатсизликка, зулмга, жаҳолат дунёсига қарши кўяди. Унинг форсча қасидаларида нақшбандийлик руҳи чуқур из қолдирган.

Қасидалар юксақ санъат, бадиий маҳорат билан ёзилган. Уларни ҳаётдан олинган хилма-хил бадиий воситалар, ранг-баранг лавҳалар безаб туради.

Умрзақов Ислоҳ Исроилович (НамДУ Инглиз тили ва адабиёти кафедраси катта ўқитувчиси) УИЛЬЯМ ФОЛКНЕР АСАРЛАРИДА “ВАҚТ” КАТЕГОРИЯСИ

Аннотация. Ушбу мақолада Уильям Фолкнернинг ижодий усулига хос вақт концепцияси хусусиятлари, адиб ижодида шаклланган услубларга замондош ёзувчи ва файласуфлар таъсири таҳлил этилган. Бундан ташқари, адибнинг баён услубида вақт категориясининг ролига алоҳида эътибор қаратилган, ёзувчи ижодий меросининг хусусиятларини белгилаб берувчи образлар, композициялар, баён шакли типологиясининг ўзига хос жиҳатлари очиб берилган.

Аннотация. В данной статье анализируются особенности концепции времени, характерные для творческого метода Уильяма Фолкнера, влияние современных писателей и философов на стили, сформированные в творчестве писателя. Кроме того, авторский повествовательный стиль уделяет особое внимание роли категории времени, раскрывает особенности типологии образов, композиций, повествовательной формы, которые определяют особенности творческого на-

следия писателя.

Annotation. This article analyzes the features of the concept of time specific to William Faulkner's creative method, the influence of contemporary writers and philosophers on the styles formed in the work of the writer. In addition, the author's narrative style pays special attention to the role of the category of time, reveals the peculiarities of the typology of images, compositions, narrative form, which define the features of the writer's creative heritage.

Калим сўзлар: бадий вақт категорияси, объектив воқелик, вақт ва макон, фазо гоёси, образ, биографик вақт.

Ключевые слова: художественная категория времени, объективная реальность, время и пространство, пространственная идея, образ, биографическое время.

Key words: artistic time category, objective reality, time and space, spatial idea, image, biographical time.

Кириш. Сўнгги пайтларда бадий вақт муаммоси адабиётшунослар эътиборини тобора кўпроқ ўзига жалб этмоқда. Бу унинг замонавий адабиётда ғоят муҳимлигини кўрсатади. Хориж адабиётшунослигида асар тузилишида бадий вақт категорияси санъаткорнинг ижодий усули, дунёкараши, вазифалари ва услуги билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқилади. Бу эса мазкур категорияни адабиётшунослик нуқтаи назаридан ўрганиш ва тадқиқ этишни кун тартибига кўймоқда.

Асосий қисм. Фолкнернинг барча тадқиқотчилари, шубҳасиз, вақт муаммосига мурожаат қилишади. Масалан, Дарел Абел Фолкнернинг “Августдаги ёруғлик” асарида вақтнинг талқин этилиши масаласига эътибор қаратади.¹ Дональд Картиганер эса вақтни Фолкнернинг асарларни тартибга солишда қўллайдиган усули деб билади.² Фолкнернинг вақтга бўлган муносабатини танқидий таҳлил қилиш вақт тасвирининг учта асосий – циклик, давомий ва турғун шакллари билан боғлиқ. Айрим тадқиқотчиларнинг фикрича, Фолкнер учун вақт турғун, бошқаларининг таъкидлашича эса циклик ёки давомийдир. Бироқ, бизнингча, Фолкнер учун вақт кўп қатламли ва бу унинг асарларидаги хронотоплардан яққол кўриниб туради.

Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, Фолкнернинг вақтга бўлган муносабатини француз файласуфи Хенри Бергсон ғоялари билан таққослаш умумтанқидий анъаналардан бирига айланган. Гарчи Бергсоннинг вақтга доир ғояларининг Фолкнерга бевосита таъсирини кўрсатувчи аниқ фактлар мавжуд бўлмаса-да, адиб асарларидаги хронотопларнинг ифодаланиш услубида француз файласуфи ғоялари таъсири, барибир, бўлган дейишга асос бор.

Маргарет Чёрч каби кейинги давр ёзувчилари эса Бергсоннинг вақт ҳақидаги қарашларининг нафақат Фолкнер, балки XX асрнинг кўплаб ёзувчиларига таъсири катта бўлган деган фикрни қўлаб-қувватлашади.

1952 йилда француз журналисти Люк Буварга берган интервьюсида Фолкнер ўзининг вақт ҳақидаги фикрлари билан ўртоқлашади. Люк Бувар романнависдан ўзининг вақт концептини тушунтириб беришни сўраганида Фолкнер шундай жавоб беради: “Аслида, ҳеч қандай вақт йўқ. Мен вақтнинг ўзгарувчанлиги ҳақидаги Бергсон таълимотига қўшиламан. Аслида, фақат ҳозирги замон мавжуд, холос. У ўзида ўтган ва келаси замонни ҳам мужассам этиб, абадийдир. Фикримча, адининг қўлида вақт ўз шаклини биров ўзгартириши мумкин”.³

Фолкнер ва Бергсоннинг вақтга муносабати ўртасидаги ўхшашликларни тушуниш учун француз файласуфининг бу борадаги ғоялари ҳақидаги айрим билимлар талаб этилади. Бергсон вақтга нисбатан ўз нуқтаи назарларини, асосан, “Вақт ва ирода эркинлиги” (1889), “Мавзу ва хотира” (1896) ва “Ижодий эволюция” (1907) асарларида ифода этади. “Вақт ва ирода эркинлиги” асарида таъкидлашича, умумхалқ вақт тушунчаси бу бизнинг таассуротларимиз ва ҳис-туйғуларимизни фазода кўринадиган бир текис тартибда (яъни, бир лаҳзадан кейин бошқасига ўтиш) жойлашувидир. Бергсоннинг таъкидлашича, бу вақт ва макон чалқашлигидан келиб чиқадиган нотўғри тушунча. Онг моддий объектлардан фарқли равишда, бошқа муҳитда мавжуддир, чунки онгнинг бир ҳолати бошқасини мутлақо истисно қилмайди, ҳатто онгнинг изчил ҳолатлари ҳам ўзаро боғлиқ-

¹ Abel, Darrel. Frozen Movement in Light in August. Boston University Studies in English, III (Spring, 1957), p. 32.

² Beja Morris, A Flash, A Glare: Faulkner and Time. Renascence, XVI (Spring, 1964), 133–141, p. 135.

³ Bergson, Henri. Time and Free Will, London, George Allen and Unwin, Limited, 1950, p. 90.

дир. Шунинг учун бир хил муҳитдаги вақт тушунчаси сохта ва у фазо ғоясини бузади.¹

Бергсоннинг вақт ҳақидаги фалсафасидан Фолкнернинг тўлиқ хабари бўлган-бўлмаганини далиллаш қийин. Фолкнер тадқиқотчиси Жозеф Блотнер ҳам адиб кутубхонасида Бергсон қаламига мансуб асарлар ҳақида маълумот бермаган.² Бироқ, юқорида таъкидлаганимиздек, Люк Буварга берган интервьюсида Фолкнер Флобер ва Бальзак билан бир қаторда, Бергсондан таъсирлангани ҳақида маълумот берган.³

Кўп таъкидчиларнинг Фолкнерни “вақт метафизиги” сифатида қабул қилиш анъанаси 1957 йилда Майкл Молонининг “Вақт жумбоғи: Пруст, Виржиния Вульф ва Фолкнер” мақоласи эълон қилинганидан сўнг бошланган эди.⁴

Фикримизча, Бергсондан ташқари, Фолкнернинг вақт концепциясига Марсел Прустнинг ҳам таъсири катта бўлган. Яна Фолкнернинг Люк Буварга берган интервьюсига қайтамыз: “Йўқотилган вақтни излаб” (*A la Recherche du Temps Perdu*) асарини ўқиғач, “Бу ўша!” – дедим ўзимга-ўзим ва буни ўзим ҳам ёзишни истадим”.⁵ Демак, кўринадики, Фолкнер Марсел Прустнинг вақтга алоқадор қарашларидан яхши хабардор бўлган. Бундан ташқари, Пруст асарларининг таъсирини Фолкнернинг айрим асарларида бевосита кўриш мумкин. Зеро, Фолкнер Прустнинг асосий усулларидан айримларини моҳирона ўзлаштирганини унинг айрим асарларида бевосита гувоҳи бўлишимиз мумкин. У ҳам Пруст каби романларида ўтмиш хотираларини эшлаш усулидан фойдаланади. Прустнинг “Ўтмиш хотиралари” асари бошидаги бутун романнинг ривожланишини бошлаб берадиган бир сюжет бор. Бу воқеа ҳикоячи Парижда онаси билан чой ичиб ўтирган пайтда рўй беради. Асар қахрамони пирогни чойга ботириб ер экан, болалиги ҳақидаги хотираларга чўмади. Еяётган пирогининг мазаси бирдан унга болалигида холаси берган пирогни эслатади.

Худди шундай воқеа Фолкнернинг “Августдаги ёруғлик” асарида Жо Кристмас Жоаннанинг ошхонасига биринчи бор кирганида рўй беради. У қоронғи хонада овқат топиб олади: “He ate something from an invisible dish, with invisible fingers: invisible food. ...his jaw stopped suddenly in mid-chewing and thinking fled for twenty five years back down the street ...I’ll know it in a minute. I have eaten it before, somewhere. In a minute I will memory clicking knowing I see I see I more than see hear I hear I see my head bent I hear the monotonous dogmatic voice which I believe will never cease going on and on forever and peeping I see the indomitable bullet head the clean blunt beard they too bent and I thinking How can he be so not hungry and I smelling my mouth and tongue weeping the hot salt of waiting my eyes tasting the hot steam from the dish “It’s peas,” he said, aloud. “For sweet Jesus. Field peas cooked with molasses””.⁶

Таржимаси: У қоронғида пайпасланиб овқатланар, бармоқлари ҳам, овқат ҳам кўринмасди: кўринмас овқат ...бирдан у оғзидаги овқатни чайнашдан тўхтаб қолди ва хаёли йигирма беш йил олдин томон учди. Бу овқатни мен олдин қаердадир еган эдим. Ҳозир эсламан ...ҳозир... Кўряпман, бошим эгилган... Ҳа, кўряпман... Ҳеч ҳам тўхтамайдиган ва абадий давом этадиган ўша қатъий оҳангдаги овоз... қашшанг аҳмоқ бош, аҳмоқона қўйилган топ-тоза соқол..., улар ҳам эгилган. Ана... ўйлапман, қандай қилиб оч бўлмаслиги мумкин у деб... Идишдан келаётган иссиқ овқат ҳидини туярмиканман деб кутган кўз ёшларим шўри таъминини оғзим ва тилим сезяпти... “Бу нўхат”, – деди у овоз чиқариб. “Худо ҳаққи. Қиём билан пиширилган дала нўхати.”

Моррис Бежа таъкидлаганидек, Жо Кристмас бу нарсани шунчаки эсламайди; у “Марсел Пруст таъбири билан айтганда, ўтмишда бўлиб ўтган воқеликни яна қайта бошидан кечиради”. Бунда Жо Кристмаснинг Миссисипи штатининг кичик бир шаҳарчасида жойлашган ошхонадаги кечмишлари Париждаги маҳобатли уйда онаси билан чой устида суҳбатлашган қахрамоннинг ўтмиш кечмишлари билан бир хил.

¹ Blotner Joseph L., *William Faulkner’s Library: A Catalogue*, Charlottesville. University Press of Virginia, 1964, p. 211.

² Faulkner William. *Light in August*, New York, Modern Library, 1950, p. 200.

³ Kartiganer Donald M. *The Sound and the Fury and Faulkner’s Quest for Form* ELH, XXXVII (December, 1970), p. 613.

⁴ Meriwether James B. and Michael Millgate, editors, *Lion in the Garden: Interviews with William Faulkner, 1926 – 1962*, New York, Random House, 1968, p. 70.

⁵ Moloney Michael F. *The Enigma of Time: Proust, Virginia Woolf, and Faulkner*. Thought, XXXII (Spring, 1957), 69–85, p. 81.

⁶ Proust Marcel. *A la Recherche du Temps Perdu*. Cette édition numérisée reprend le texte de l’édition Gallimard, Paris, 1946-47, en 15 volumes, p. 75.

Илмий тадқиқотларда, танқидий асарларда Фолкнерга хос вақт концепциясининг хусусиятлари ва унинг асарларда акс эттирилганлигини қайд этиш жараёнида ўтмишнинг ҳозирги кунга нисбатан устунлиги, келажакнинг йўқлиги, чизикли (тарихий) ва циклик (мифологик) вақтнинг комбинацияси тушунчалари ҳақида кўп сўз юритилади. Бу романлар композициясининг ўзига хослиги ҳам бўлиб, у воқеаларнинг хронологик тартибда баён этилмаслигида, содир бўлган воқеага нисбатан нуқтаи назарларнинг кўплигида ўз аксини топади.

Романларда тасвирланган тарихий вақт бу Америка жанубининг ўтмиши ва бугунидир. Миллий тарих яхлитлиги ғояси, Фолкнернинг патриархал урф-одатларга боғлиқлиги ва содиқлиги, буржуа ахлоқини рад этиши ўтмиш билан ҳозирги замон ўртасидаги боғлиқликни бирлик сифатида тушунишга олиб келди. Аммо бу бирликда парчаланиш элементлари мавжуд, зеро, унинг таркибий қисмлари бир-бирига ўта зиддир. Антогонистик зиддиятлар савдолашиш, стандартлаштириш ва бегоналаштириш руҳи билан ўзида янги капиталистик воқеликларни мужассам этгани. Фолкнер асарлари қаҳрамонлари орзу қилган “Жаннатмакон плантация” ҳақидаги афсона ҳам ўтмиш ҳақидаги орзу-умидлар бўлиб, амалга ошириб бўлмайдиган иш эди. Асар қаҳрамонлари уни ҳозирги кунга олиб келишга ва шу орқали замонларни бир-бирига боғлашга ҳаракат қилишган. Ўтмиш қарама-қаршиликларини ҳал этиб бўлмаслиги асар қаҳрамонларини мағлубиятга олиб келади. Ўтмиш бирлаштирувчи эмас, балки ажратувчи кучга айланиб, қаҳрамонларни ҳақиқий ҳаётдан четга чиқариб қўяди. “Шовқин ва ғазаб” ва “Абсалом, Абсалом!” романларида Квентин Компсоннинг, “Августдаги ёруғлик” асаридаги Хайтауэрнинг тақдирлари худди мана шундай кечади.

Тарихий вақтнинг асосий қонуниятлари романларнинг воқеа замирида ўз аксини топади. У Фолкнер асарларида вақт кетма-кет эмас, балки эркин ҳаракат қиладиган ҳодисалар сифатида намоён бўлади. Бу ердаги ўтмиш, ҳозирги ва келажак онлари фазонинг турли нуқталаридек бўлиб, вақт фазовий категорияга айланади. “Аввал”, “кейин” категориялари, шунингдек, тасодиф рол ўйнамайди, чунки воқеа инсоннинг олдиндан белгиланган характери ва тақдири натижасида туғилади. Фолкнер романларида эҳтиёж ҳукм суради. Фолкнер қаҳрамони келажакка орқа ўгиради, нигоҳи эса ўтмишга қаратилган.

Асар қаҳрамонлари уларнинг характер ва тақдирларини белгилаб берувчи ўз эҳтиросларининг кули мисоли эдилар. Роза Колдфилднинг Сатпендан қасоси («Абсалом, Абсалом!»), Хайтауэрнинг фуқаролар уруши қатнашчиси бўлган бобосига таъзим қилиши (“Августдаги ёруғлик”) Баярднинг акаси ўлимидан айбдорлик ҳисси (“Сарторис”), Квентиннинг пароканда бўлган оиласи ва йўқолган синглисини соғиниши (“Шовқин ва ғазаб”) – буларнинг ҳаммаси олис ва қайтиб келмас ўтмишга тегишли ва буларнинг ҳаммаси ҳозирги кунда яшашга халақит беради. Ўтмишдаги воқеа ва муносабатларни мантикий жиҳатдан ҳал қилиш орқали вақт қатламларини улашга уриниш тесқари натижага олиб келади. Қаҳрамонлар реал ҳаётдан узоклашиб кетадилар ва ўзларининг субъектив дунёларига тушиб қоладилар.

Роза Колдфилд учун ўнлаб йиллар мавжуд эмас: Сатпеннинг амлоқини тарк этган кун ва Генрихнинг ўлимига гувоҳ бўлган кун унинг тасавурида кетма-кет туради. Минк Сноупс ўттиз тўққиз йиллик сургунни улкан вақт эканини англамайди («Данғиллама уй» – «The Mansion», 1959), чунки унинг учун Флемга суиқасд қилинган кун ва суд куни воқеаларнинг узвий занжири ҳисобланади. Лина Гроувни ўзининг ўлган қизи, унинг боласини эса невараси Жо Кристмас деб ўйлаган, Жонинг туғилиш пайтига қайтиб, уни Хайнсдан қутқариш ва воқеалар ривожини, тақдирни ўзгартиришни хоҳлаган Хайнс хоним учун вақт ва воқеалар аралаш-қуралаш бўлиб кетади. “Аскар мукофоти” («Soldier’s Pay», 1926) романида Дональд Мэгон тирик мурда ҳолида бўлади. Ўзининг самолётдан қулаши ва ҳалок бўлиши лаҳзаларини эшлаш учун у бир неча дақиқага хотирасини тиклайди.

Келтирилган мисолларда биз ҳақиқий ва биографик вақт ўртасидаги тафовутни кўриб турибмиз, чунки қаҳрамонлар учун биографик вақт – уларнинг моҳиятини ифодаловчи ҳаракат майдонидир. Бу қаҳрамонларнинг ҳаёт доирасини ҳам ноаниқ қилади. Улар гўёки икки марта ўладилар, зеро, гарчи жисмоний ўлим анча кейин содир бўлса-да, ҳаёт улар учун ўзлари танлаган тақдир чизиклари узилган ерда тугайди.

Қаҳрамонларнинг дунё билан алоқалари – зиддиятли муносабатлар бўлиб, бу ҳам воқеаларнинг қарама-қаршилигидан, ҳам шахсларнинг ички қарама-қаршилигидан келиб чиқади. Фолкнер асосий эҳтиросни, қаҳрамон ғоясини унинг бутун мураккаблиги билан ўрганади. Жанубдаги ҳал этилмаган ирқий муаммоларнинг рамзи бўлган мулат Жо Кристмас ўзининг на оқ танлиларга, на қора танлиларга тегишлилигини била олмай изтиробда қолади. Квентин ўз туғилиб ўсган ерига

бўлган муҳаббат ва нафратдан азобланади. Сатпеннинг режаларида эса ҳам яратувчан ва ҳам бузгунчи кучлар мужассам.

Фолкнер воқеаларни изчил хронологик тарзда қайд этмайди. Ҳозирги замонга оид воқеалар эпизодлари доимий равишда ўтмиш воқеалари, қаҳрамонлар хотиралари, ҳикоялари билан алмашиб туради. Адиб воқеа ва фактларни вақт чизиғи бўйлаб тартиб берган ҳолда жойлаштирмайди, балки уларнинг муҳимлиги даражасига кўра, мантиқий қатор ҳосил қиладикки, бу орқали ҳаёт йўлини тадқиқ этувчи махсус бир моделни, ўзгача бир хронологияни яратади.

Вақт категориясининг бу тарзда ифодаланиши Фолкнерга қаҳрамонларнинг ички кечинмалари, уларнинг ўтмиши ва ҳозирги ўртасидаги олишувлар орқали эса ички туғёнларини тасвирлашда қўл келган. Унинг қаҳрамонларининг аксарияти ўтмиш ва ҳозир ўртасидаги тафовутларда ўзлигини йўқотган, иллюзиялар билан яшаган ва охир-оқибат эса тақдирлари фожиали яқун топган кимсалардир. Ўз даврининг ёзувчилари ижодидан фарқли ўларок, Фолкнер асарлари бахтли яқун топмасди. У бутун Америка насрини фақат бахтли яқун топгучи асарлар ёзишга бўлган интилишдан воз кечишга мажбур этди. Бу эса Америка адабиётида авлодлар алмашинуви вақти келганини аңлатар эди.¹

Хулоса. Фолкнернинг шахс, жамият ва вақт ҳақидаги қарама-қарши қарашлари унинг асарларида бадиий вақтни талқин этишида ва ёзувчи ижодий меросининг хусусиятларини белгилаб берувчи образлар, композициялар, баён шакли типологиясининг ўзига хос жиҳатларида акс этади. XX аср Америка адабиётида Фолкнер янгилик ва ижодий илҳомдаги ўзгачалик билан ажралиб турди, бу унинг адабиёт мавзусига ва вазифасига бўлган муносабатида намоён бўлди. Бунинг ёрдамида у ўз даврининг энг яхши адабий аънаналарини бадиий ижодда уйғунлаштира олди.

Nusratilloeva Dilnoza Nusratilloevna (Navoiy davlat pedagogika instituti) XURSHID DAVRON LIRIKASIDA TARIXIY SHAXSLAR OBRAZI

***Annotatsiya.** Ushbu maqolada o‘zbek adabiyotining yetuk vakillaridan biri Xurshid Davron lirika-sida tarixiy shaxslar obrazi haqida so‘z boradi. Xurshid Davron individual uslubining asosiy qirralari sifatida tarixiylik va ramziylik bo‘rtib turadigan xususiyatdir. Uning oshkoralik va demokratiyaga atalgan yillardagi ijodida ramziy obraz va majoziylik muhim o‘rin tutsa, istiqlol arafasi va undan keyingi yillarda tarixiy haqiqatni badiiy haqiqatga aylantirish xususiyati kuchaydi.*

***Аннотация.** В статьях один из ведущих представителей узбекской литературы Хуршид Даврон рассказывает об образе исторических личностей в своих текстах. Индивидуальность стиля Хуршида Даврона – это особенность, которая подчеркивает основные аспекты, такие как история и символизм. В его произведениях, посвященных демократии и откровению, важную роль играют символический образ и метафора, а накануне независимости и в последующие годы нарастает особенность трансформации исторической реальности в художественную.*

***Annotation.** This article deals with the image of historical figures in the lyrics of Khurshid Davron, one of the leading representatives of Uzbek literature. Khurshid Davron's historical and symbolic features as the main aspects of his individual style are exaggerated. Symbolic imagery and metaphor are important in his works dedicated to the years of independence and democracy and before independence, the ability to transform from historical reality into artistic reality is strengthened.*

***Kalit so‘zlar:** adabiyot, lirika, tarixiy shaxslar, ramziy obrazlar, majoziy obrazlar.*

***Ключевые слова:** литература, лирика, исторические фигуры, символический образ, аллегорический образ.*

***Key words:** literature, lyrics, historical figures, symbolic images, figurative images.*

Barchamizga ma'lumki, bugungi kunda mamlakatimiz ijtimoiy hayotida ma'naviy-ma'rifiy sohalarni rivojlantirishga alohida e'tibor qaratilmoqda. Xususan, buyuk adiblarimiz ilmiy merosini o'rganish, tadqiq etish, ma'naviy merosimiz bo'lmish qadimiy qo'lyozmalarni asrash, tarjima qilish, xalqimiz, ayniqsa yoshlarimiz orasida kitob o'qish va kitobxonlik madaniyatini shakllantirish borasida ham qator ishlar amalga oshirilmoqda. Jumladan, Vazirlar Mahkamasining 2020-yil 24-avgustdagi "Atoqli adiblar va mutafakkirlarimiz ijodiy merosini yoshlar o'rtasida targ'ib qilish hamda Adiblar xiyobonidan samarali foydalanish chora-tadbirlari to'g'risida"gi qarori qabul qilindi. Qarorga asosan, Toshkent davlat yuridik

¹ Засурский Я.И. Американская литература XX века. М., «Наука», 1966, с. 123.

Ergasheva Muborak Qozoqboyevna. “Kompyuter grafikasi” fanini o‘qitishda Corel Draw dasturining afzalliklari.....	95
Садирова Камола Ғиёзовна. Эшителишида нуқсони бўлган болаларнинг ақлий ривожланиш йўллари.....	97
Abdullayeva Maftuna Muxitdinovna. Surdopedagogika ta’lim yo‘nalishida tahsil oluvchi talabalarda empatiya kasbiy sifatini rivojlantirishda o‘quv va ishlab chiqarish amaliyotining ahamiyati.....	100
Турабова Севара Каттақуловна. Талабаларнинг аргументатив компетентлигини ривожлантиришда баҳс-мунозара методининг аҳамияти.....	102
Бабаходжаева Наргиза Мухитдиновна. Программно-методический комплекс в качестве эффективного средства использования информационных технологий в преподавании предмета теория алгоритмов.....	105
Allaberganova Muyassar Rimberganovna, Ashirova Anorgul Ismoilovna, Baltayeva Iroda Ismoilovna, Xajiboyeva Surayyo Maxmudjonovna. Articulate storyline dasturida elektron resurs yaratish metodikasi.....	112

ILMIY AXBOROT

Расулов Сайдулла Қурбонovich, Тўрамқулов Шокир Нормуминович. Зарафшон воҳасининг биогео-кимёвий худудларида яшовчи кичик мактаб ёшидаги болалар соч таркибидаги макро- ва микро-элементларнинг соматометрик кўрсаткичлар билан ўзаро боғлиқлиги.....	117
Мамадалиев Жавлонбек Абдумуталиб ўғли. Андижон вилояти суғориладиган ерлар сифатини баҳолаш.....	122
Джумақулов Шухрат Баходирович. Маҳалла маънавий тарғибот объекти сифатида.....	124
Ражабов Ўткиржон Хурсаналиевич. Ижтимоий муҳитнинг шахс таракқиётидаги ўрни ва роли.....	127
Исомиддинов Азизбек Абдумажидович. Ҳаракатлар стратегияси ва ёшлар интеллектуал салоҳиятининг ижтимоий-маданий омили.....	130
Алламуратов Нурлыбай Есемуратович. Қорақалпоқ тилида компонентли юридик терминларни боғловчи воситалар.....	133
Choriyev Shokir Mamadaminovich. Chipqon atamasining fonetik, etimologik-semantik xususiyati.....	137
Аширбаева Дилором Равшановна. Корейс тилидаги ака (형/오빠) ва опа (누나/언니) мурожаатларининг этимологияси ва қўлланилишига доир.....	139
Cho‘lliyeva Gulchehra Toshpo‘lot qizi. Intonema haqida.....	143
Ибрагимов Хайрулла Ҳамдамович. Тўра Сулаймон ижодида теоморфик метафора.....	146
Каримов Рустам Абдурасулович. Параллел корпуснинг лингвистик, хорижий тил лингводидактикасидаги аҳамияти ва таржимонлик соҳасидаги имкониятлари.....	150
Махмудова Муаттар Махсатиллоевна. Й.В.Гёте “Ғарбу Шарк” девонининг Мақсуд Шайхзода ва С.С.Бухорий таржималарига хос хусусиятлар.....	153
Atabekova Feruza Hujamkulovna. Vadiiy asarlarda realiyalar tarjimasini.....	157
Эрданов Зафар Даминович. Зулфиянинг поэтик маҳорати ва ўзбек таржимашунослиги муаммолари.....	160
Қурбанова Мунаввар. Шекспир услубидаги тизимли ва структуравий яхлитлик.....	164
Атажанов Сарвар Самандарович. Эркин Самандарнинг асар бадииятида турғун ўхшатишлардан фойдаланиш маҳорати.....	167
Низамова Феруза Алимуллаевна. Алишер Навоийнинг форсий ижодидан бир қатра.....	171
Умрзақов Ислон Исроилович. Уильям Фолкнер асарларида “вақт” категорияси.....	173
Nusratilloeva Dilnoza Nusratilloevna. Xurshid Davron lirikasida tarixiy shaxslar obrazi.....	177
Nizomova Shoxista Shodiyevna. Zamonaviy she’riyatda suv va olov bilan bog‘liq obrazlarni ifodalash an’anasi.....	182
Эгамбердиева Азиза Мустафаевна. Таълимда ёшлар ташаббускорлигини оширишда фаол фуқаролик позициясининг ўрни.....	184
Мамаюсупова Диловархон Бегматовна. Давлат-хусусий шериклигининг мазмуни ва ўзига хос хусусиятлари.....	188
Sheraliev Shirin Abdisalomovna. The Problem of Interaction of Language and Religion.....	194
Khodjaniazov Sardor Umarovich, Jumaniyazova Nasiba Odilbekovna. Teaching Tourism Police with Cultural Intelligence.....	196